Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ, 1413 ЙИЛ, МУҲАРРАМ, 1-КУН.
●
ШАМСИЙ, 1371 ЙИЛ, САРАТОН, 11-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган 1992 ЙИЛ 2 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА, 126-СОН ● 377 ● НАРХИ СОТУВДА 1 СЎМ 50 ТИЙИН.



Бугун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессияси очилади

СУРАТДА: сессия ишида қатнашувчи бир гуруҳ депутатлар.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

БОШ ҲУЖЖАТИМИЗ МУКАММАЛ БЎЛСИН

ДЕЙДИ САМАРҚАНД РАЙОНИДАГИ МАРОҚАНД ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРУВИ РАИСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ ТОЛИБ НОРБОЕВ.

Сессия кун тартибига қўйилган масалалардан энг муҳими янги Конституция лойиҳаси деб ўйлайман. Чунки асосий қонун фақат бугун ёки эртага эмас, халқимизнинг келгуси авлод-аждодларига ҳам хизмат қилмоғи лозим. Шу ўринда қонунчилик билан боғлиқ бир мулоҳазамни айтиб ўтмоқчиман. Ўтган сессиялар давомида иқтисодий-ижтимоийислоҳотларни амалга оширишга қаратилган бир талай қонунларни қабул қилган эдик. Аммо солиқ сиёсатига оид қонундан бўлак бошқа бирортасининг ижроси бугунги кун талабига жавоб бермайди. Ишсизларни нафақа билан таъминлаш ҳақида қонун қабул қилинганидан сўнг назаримда текинхўрлар кўпайиб кетди. Бу нафақа меҳнаткашларнинг иш ҳақи фондидан 3 фоиз чегириб қолиш йўли билан ҳосил бўлмоқда. Кўпчилик бирор жойда муқим ишлашни хоҳламай, савдо-тижорат ишлари билан машғул бўлиб яна ишсизлик нафақасини ҳам олмоқда. Эндиликда ҳаётга мос келмайдиган қонунларни қабул қилишдан эҳтиёт бўлмоғимиз лозим. Шу нуқтаи-назардан Конституция шундай ишлаб чиқилмоғи зарурки, уни кейин ҳадеб ҳар сессияда ўзгартириш ёки қўшимчалар қўшиб юрмайлик. Бу учун бош ҳужжатимиз умумхалқ муҳокамасида кенг ва атрофлича муҳокама қилиниши шарт.

СЕССИЯ ҲУЖЖАТЛАРИ ТАХЛАМЛАРИДА

ҚОНУНСИЗ ЯШАШ — ИЛЛАТ

● Республика Олий Кенгашининг 1991 йил июнь ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ V сессияси қонунсиз яшашдек ашаддий иллатга барҳам бериш сари қўйилган залворли қадам сифатида тарихга кирди. Унда кўрилган оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги, виждон эркинлиги, ташқи иқтисодий алоқалар, чет эл инвестициялари, кооперация тўғрисида каби қонунлар мажмуаси қабул қилиндики, улар жамиятимиз тараққиётига хизмат кўрсатадиган ҳужжатлар сифатида ҳаётдан ўрин олди.

КРЕМЛДАГИДАН АФЗАЛ

● Ушбу сессияда овозларни санайдиган компьютерлар ишга туширилди. У Кремлдаги съездлар саройидаги ана шундай хизмат кўрсатаётган машиналардан ўн чандон афзал эканлигига депутатлар гувоҳ бўлдилар.

ХУШХАБАРНИНГ ҚАНОТИ БОР

● Республика Олий Кенгашининг VI сессияси мустақил давлат парламент аъзоларининг илк анжумани сифатида характерлидир. Унда Президентимиз И. А. Каримов Республикамиз мустақиллигини эълон қилди. Депутатлар Олий Кенгашнинг Республика давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотини қабул қилдилар. Ўзбекистон ССРнинг номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди.

ХАЛҚ ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

● Мустақил давлатнинг мустақил парламенти иш кўлами тобора кенгайиб бораётганлигини Республика Олий Кенгаши VIII сессиясига 29 масала киритилганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Депутатлар ҳар бир мустақил мамлакатда бўлгани каби президент сайлови ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумни ўтказишга қарор қилдилар. Халқ танлови куни 1991 йил 29 декабрга белгиланди. Ўша куни Тошкент шаҳар ҳокимига сайлов ҳам ўтказилди.

ВАТАНДОШЛАРГА ОЧИЛГАН ЭШИК

● Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессиясида Ташқи алоқалар комитети раиси П. Ҳабибуллаев ва Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият комитети раиси П. Қодиров хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш йўллари ҳақида парламент аъзоларига ахборот бердилар. Анжуманда хорижда яшаётган ватандошлар билан ҳар томонлама мустаҳкам алоқалар йўлга қўйиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ОЛИЙ КЕНГАШ КОМИТЕТЛАРИДА

1 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг мажлиси бўлди. Уни комитет раиси Э. Халилов бошқарди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Лойиҳа билдирилган таклифлар, ўзгартишлар, қўшимчалар ва фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олинган ҳолда асосан маъқулланди.

Мажлисда Тошкент шаҳар судларининг одил судловни амалга оширишда қонунларни қўлланиш тажрибаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Олий Суднинг суд ходимлари малакасини ошириш борасидаги ўрни ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди, айрим вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг таркибидаги ўзгартишлар тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масалалар бўйича маъруза ва ахборотлар тингланди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитетининг мажлиси бўлди. Уни комитет раиси Ҳ. Усмонова бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг «Халқ саломатлигини сақлаш ҳақида»ги ҳамда «Қон, унинг компонентлари ва илик донорлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари муҳокама этилди. Ушбу Қонун лойиҳалари асосан маъқулланди. Бу ҳужжатлар экспертизадан ўтгандан кейин уларни Олий Кенгаш Раёсатига тақдим қилиш учун тавсия этилади.

Комитет мажлисида «ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 14 июнь қарорининг ижроси тўғрисидаги масала ҳам кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ушбу қарори тўла бажарилмаётганлиги мажлисда қайд этиб ўтилди.

* * *

Ҳар иккала мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

1 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Фахрийлар ва ногиронлар ишлари комитетининг мажлиси бўлди. Уни комитет раиси Р. Абдуллаев бошқарди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишини назорат этиш билан боғлиқ навбатдаги вазифалар кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларини пенсия билан таъминлаш ҳақида» ва «Ўзбекистон Республикасида кексайиб қолган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари устида олиб борилаётган ишлар ҳақидаги масалалар юзасидан ахборотлар тингланди.

Комитет мажлисида депутатлар ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси материаллари юзасидан фикр алмашдилар.

ОСОЙИШТАЛИК КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига «Мудофаа тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси ҳам киритилган. Шу муносабат билан депутат сифатида айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Ҳар бир давлат мустақилликни қўлга киритар экан, аввало ўз фуқароларининг тинч ва осойишталигини таъминлашни зиммага олади. Ҳозирги пайтда республикамизда бу борада маълум ишлар амалга оширилаётир.

Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлигининг тузилиши ва республика ҳудудидаги ҳарбий қисмларнинг унинг тасарруфига ўтказилиши ана шулардан энг муҳимидир.

Биз буни истаймизми, йўқми, лекин шароит, эл осойишталиги, одамларнинг тинч меҳнат билан банд бўлиши учун барча чораларни кўришни тақозо этади. Энди Ўзбекистон фарзандларининг фақат республикада ҳарбий хизматни ўташи бу масалани пухта ҳал қилиш имконини беради.

Республикамиз армия учун юқори малакали зобитлар тайёрлаш борасида ҳам мустаҳкам шарт-шароитга эга. Чунончи, Тошкентда умумқўшин ва танк қўшинлари, Самарқандда эса автомобиль қисм командирлари тайёрловчи олий ҳарбий билим юртларининг мавжудлиги фикримизнинг далилидир. Фақат гап улардан нечоғлик унум билан, оқилона фойдалана олишимизда.

Бундан ташқари, ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, ҳозирги даврда бизникидек давлатларнинг ҳар томонлама пухта тайёргарликка эга профессионал армияси бўлиши мақсадга мувофиқ экан. Чунки Ватан мудофааси ҳар кишининг бурчи бўлса-да, лек бу ишни қойилмақом қилиб бажарадиган мунтазам қўшинларнинг мавжудлиги давлат тинчлигини сақлашда асосий таянчлардан биридир.

С. БОБОМУРОДОВ,
Ўзбекистон халқ депутати.

ИСТАРДИККИ...

Бу қонун лойиҳаси, сўзсиз ижобий қадам: анча инсонпарвар, кўпгина янгиликлар киритилган.

Қонун лойиҳаси моддалари орасида бир-бирига зид айтилган фикрлар ҳам йўқ эмас. Лекин энг катта нуқсон бу қонуннинг асос-пойдевори, яъни лойиҳага асос қилиб олинган таълим системасининг нотўғрилигидир. Бу иллат қонун лойиҳасида халқ таълими устидан давлат ҳукмронлигини тўла сақлаб қолишга бўлган интилишдир.

Жамиятнинг ривожланиш жараёни шуни кўрсатдики, фақат озод, ўзаро рақобатга асосланган системагина яшашга ҳақли.

Агар қонуннинг қонунийлиги нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, ҳозирги лойиҳада қуйидаги принципларни назарга олишимиз шарт бўларди.

1. Давлатимиз ҳудудида таълим муассасаларининг ҳар қандай тури, яъни шахсий, хусусий, давлат ва чет эл ширкатлари билан тузилган шакллари озод ва улар тенг ҳуқуқли, деб тан олинади.

2. Давлат барча халқига бепул таълимни таъминлайди. Агар ҳамюртлар пуллик ва бошқа турдаги таълимни афзал кўришса, ихтиёрий — давлат ҳеч қандай монелик кўрсатмайди.

3. Таълим муассасаларида қандай фан ёки ҳунарни ўқитиш ихтиёрий, давлат фақат қонунга хилоф фан-мазмунларни, ғайриинсоний таълимотни таъқиқлайди.

4. Давлат мактабда таълим ва илм-фанни ривожлантиришни ўз халқининг энг юксак вазифаси, унинг келажагини таъминлаш омили, деб билади. Шу сабабдан **давлат хазинасининг тўртдан бир қисмини таълим-тарбия ва илм-фан ривожланишига сарфлайди.**

5. Таълим муассасалари ва уларнинг ходимлари барча давлат солиқларидан озод қилинади, бошқа имтиёзлар берилади ва уларга яхши ишлаши учун барча имкониятлар яратилади.

6. Таълим-тарбия босқичлари халқаро тан олинган нормалар асосида белгиланади ва миллий хусусиятлар эътироф этилади.

7. Давлат ўз имконлари ҳудудида барча истеъдодли ёшларга жаҳоннинг энг илғор ўқув-таълимини олишига имкон яратиб боради.

8. Барча ҳамюртлар учун таълим олиш шарафли бурч, лекин мажбурий эмас.

9. Давлат таълим муассасаларига бепул ер-мулк ажратади ва уларнинг моддий асосини таъминлашда кўмаклашади.

10. Давлат шу қонун моддаларини бузган кишиларга тегишли жазо чораларини қўллайди.

Назаримда, қонуннинг асосий белгилаб берадиган нормалари мана шу 10 моддадан иборат. Албатта, бу моддаларга яна қўшимча киритиш ёки тузатиш мумкин, лекин қонун қисқа, лўнда, аниқ бўлиши керак.

Ҳозирги шаклда қонун лойиҳаси кўпроқ вазирликнинг мактаб ўқитувчиларига ва ўқувчиларига чиқарган дастурига ўхшайди. Халқимиз айтган «Ёмон қонуннинг уруғи кўп», деб. Қонун қанча узун бўлса, уни бажармасликнинг имкони шунча кўп туғилади. Шунинг учун лойиҳани қайта кўриб чиқиш керак ва ундаги майда тафсилотларни қисқартириш керак.

Умид қиламизки, қонун чиқарувчи органларимиз, Олий Кенгаш депутатлари бу лойиҳани муҳокама қилишда келажак авлод олдидаги масъулиятларини ҳис этадилар ва халқнинг фикр-мулоҳазасига ҳам эътибор берадилар.

А. ҚУРБОНБЕКОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институтининг эрон-афғон филологияси кафедраси мудири.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси бугун, 2 июль куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари бугун, 2 июль куни эрта билан соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЁРДАМЧИ КОРХОНАЛАР 6520 ТАГА ЕТДИ

Тошкентда, халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида «Ўзбекистон Республикаси колхозлари ва совхозларининг ёрдамчи саноат ва ҳунармандчилик корхоналарининг маҳсулотлари» экспозицияси очилди. Унда барча вилоятлар, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Экспозицияни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкил қилган.

Ҳозир республикада 6520 та ёрдамчи корхона ишлаб турибди. Уларда 60 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Бу ёрдамчи корхоналар ўтган йили 944 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарди, шу маҳсулотнинг деярли ярми халқ истеъмоли молларидир. Гап шундаки, қишлоқ аҳли шаҳарликлар халқ истеъмоли моллари билан таъминлашларини кутиб ўтирмай ўз кучларига ишонмоқдалар ва ҳатто ташқи бозорга чиқмоқдалар. Олинган фойда асосан қишлоқ аҳолисининг ижтимоий эҳтиёжларига, болалар муассасаларига, фахрийлар ва ногиронларга кўмак беришга, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, бир қанча вазирликлар ва идораларнинг вакиллари колхозлар ва совхозлар саноат ва ҳунармандчилик корхоналарининг маҳсулотлари кўргазмаси билан танишдилар.

Кўргазма 9 июлгача давом этади.



ҲАММАМИЗНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТИМИЗ

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

ШАҲАРНИНГ ДАРВОЗАСИ БОР

1990 йилда «Ўзбекистон ССРда фуқаролик тўғрисида» қонун лойиҳаси матбуотда эълон қилинганида Зарафшон, Учқудуқ ва Навоий шаҳридаги айрим кишилар шовқин-сурон кўтаришганди. Улар ўзларини камситилган кишилар қилиб кўрсатишди. Ҳатто маркази Зарафшон шаҳри бўлган миллий округ тузамиз деган дағдағагача бордилар. Аслида бундай тоифадаги кишиларнинг нияти бошқача эди. Аммо уларнинг навбатдаги найрангбозликлари ўтмади.

Эндиликда Ўзбекистон мустақил давлат. Энди унинг ўз дарвозаси, бу дарвозанинг қулфи-калити бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик тўғрисида қонун қабул қилиниши аввало давлат мустақиллигини таъминловчи энг муҳим шарт бўлиш керак.

Республика фуқаролигига қабул қилинадиган шахсларга аввало-Ўзбекистонда камида беш йил яшаган бўлишлари ҳамда давлат тилини билишлари шарт қилиб қўйилиши зарур. Сессияда кўриладиган Биржалар тўғрисида қонун лойиҳасини муҳокама қилишга ҳожат йўқ деб ўйлайман. Биржага асосан ортиқча моллар олиб чиқилиши керак. Шундай иқтисодий тақчиллик пайтида биржага зарурат йўқ. Бошқа жойни билмадиму Навоийдаги мол биржасининг фаолияти бирни ўнга уришдан иборат. Биржалар тўкинчилик рамзи бўлиши керак. Бизда эса биржалар, бир ҳовуч бойларнинг чўнтагини қаппайтирмоқда.

Аҳад НАРЗИЕВ,
Навоий вилояти адвокатлар коллегияси ҳайъатининг раиси.

кенгашли тўй тарқамас

● **РЕСПУБЛИКА Олий Кенгаши ўнинчи сессияси кун тартибига киритилаётган 40 га яқин масалаларни тайёрлашда Олий Кенгаш Комитетлари, Котибият ва уларнинг атрофига уюшган депутатлар гуруҳи тинимсиз ишладилар. Ниҳоят, беқиёс ҳажмдаги ташкилий тадбирлар адоғига етди. Лекин сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари, ҳар хил ҳужжатларни синчковлик билан қайта-қайта кўздан кечириш ортиқчалик қилмайди. Токи, бирор хомхаталалик ўтиб кетмасин. Чунки бежиз айтмайдилар-ку, қалам билан чекилган имзони болта билан чопиб йўқотиш мумкин эмас, деб. Гар шундай экан масалаларга енгил-елпилик билан қараб бўлмайди. Унинг қанчалик пухта тайёрланиши сессия ишининг маромини белгилайди.**

СУРАТДА: Олий Кенгаш комитетлари аъзоларидан бир гуруҳи.
Сураткаш А. ЗУФАРОВ.

• *Сиз қандай фикрдасиз?*

НУР УСТИГА АЪЛО НУР

Омонжон ҲИКМАТОВ,
ЎзФА иқтисод институти директори, ЎзФА мухбир аъзоси.

Мен собиқ Иттифоқ республикалари ва хорижий мамлакатларда кўп бўлганман. Бир қанча таниқли олимлар билан фикрлашганман. Шу боисдан ҳам ўз кузатувларим, изланишларимдан чиқарган қуйидаги хулосаларимни сессия қатнашчиларининг эътиборига ҳавола этмоқчиман.

Бозор шароитига ўтишда ҳамма давлатларга таааллуқли бор-йўғи иккита модел бор. Ҳар қандай мамлакат шулардан бирини танлаб ўзига хос янгиликлар билан жорий эта бошлайди. Яъни улардан биринчиси — маданий-индустриал модел. Унда ишлаб чиқаришни, меҳнатни ташкил қилиш ва молиявий ишларда мустаҳкам интизом ўрнатиш асосида иш юритишади. Натижада халқ хўжалигининг ўсиш суръати оша боради ва ички бозор барқарорлаша бошлайди. Ишлаб чиқарадиган ва ташқаридан келтириладиган инвестиция ҳажми ортиб рақобат вужудга келади. Қизиғи шундаки уларнинг маҳсулотларини қайси бирларидир доимо қиммат ёки арзонлигича туравермайди. Қайси маҳсулотга эҳтиёж катта бўлса қимматлашади. Бундан фойдаланишга уринган ишбилармонлар айнан ўша тақчил маҳсулотни кўпайтиришади ҳам. Ва яна рақобат бошланиб, бозордаги баҳоси арзонлашади. Жуғрофик жойлашишни, урф-одатларни, ер ости ва ер усти бойликларини ва бошқа хусусиятларини акс эттирувчи халқ хўжалик тизими ва миллий ички бозор рўёбга келади. Жамият аъзолари шу жумладан ишбилармонлар ҳам бозор муносабатлари қонуниятлари ва шартларини тан олиб асосан янги маҳсулотлар яратишдан манфаат кўришга интиладилар.

Иккинчиси эса савдогарчилик модели. Бунда тайёр маҳсулотни олиб сотишга зўр берилади. Шунинг учун ишлаб чиқариш сурати ўсмайди. Тартиб-интизомга путур етади. Ўзларини ишбилармон деб мақтанадиган баъзи кимсаларнинг фикри-ҳаёли арзонига олиб қимматига сотишга қаратилади. Улар бошқаларнинг меҳнати эвазига кун кўрадилар. Яратилган янгиликлардан, ижодлардан, тақчилликлардангина фойдаланишгани учун жамиятнинг ривожига тўғаноқ бўлсалар бўладилар-ки, нафлари тегмайди.

Тажрибалар шуни кўрсатадики биринчи модель асосида Республикамизни ривожлантириш оғир кечади. Лекин бу бирдан бир тўғри йўлдир.

Умуман олганда, сессия кун тартибида турган масалаларнинг 70 фоизига яқини Ўзбекистонни ўз миллий йўли билан маданий индустриал модел кўринишидаги бозор муносабатларига ўтиши учун ҳамда жаҳон иқтисодиётига ўзлиги билан танилишига йўл очади.

Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонун маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, етиштиришда, якка ҳукмронликка чек қўяди. Турли мулк эгаларининг ҳалол рақобатини вужудга келтириш имконини туғдиради. «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуннинг 1991 йилда қабул қилинган вариантида камчиликлар бўлиши табиий. Чунки ҳозир бизда вазият кун сайин ўзгараётган давр. Ижобий натижа берадиган ўзгаришни мумкин қадар тезроқ амалга ошгани маъқул.

Боз устига бозор муносабатларига ўтган давлатлар тажрибаси бу масаланинг ниҳоятда муҳимлигини кўрсатмоқда. Умуман ташқи инвестиция ҳажми ва сифати иқтисодиётни жадал суръатлар билан ҳамда муқобил ривожлантиришда ҳал қилувчи асосий йўллардан бири дейилади. Масалан, АҚШнинг иқтисодиётини ривожлантиришга ҳар йили қилинган ички инвестиция ҳажми ташқаридан, яъни Япония, Олмония ва бошқа ривожланган давлатлар корпорациялари ва ишбилармонлари томонидан сарфланадиган маблағ ҳисобига икки баравардан ошаркан.

Олий Кенгаш томонидан қабул қилинадиган қарор ва қонунлар пухта бўлса ва дунёда тан олинган ҳуқуқшунослик нормаларига жавоб берса ҳеч қачон ташқи инвестиция у ёки бу давлатни баъзилар жар солаётганидек чет элга қарам қилиб қўймайди ва бойликларни ташиб кетишга йўл бермайди. Аксинча, халқ фаровонлигини оширишга, мўл-кўлчиликка хизмат қилади.

А. ХАЛИЛОВ ёзиб олди.

ҲАҚИҚИЙ ПОСБОН БЎЛСИН

Ражаббой МАШАРИПОВ,
Тошкент вилояти давлат бош санитария врачи, тиббиёт фанлари номзоди:

— Вилоятда шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаганлиги учун 2100 га яқин масъул, мансабдор шахсларга жарима солинди, 735 та ишлаб чиқариш цехлари ва турли корхоналар фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди, 4 та фактга алоқадор ишлар прокурорларга оширилди. Бироқ шунга қарамай бундай чоралар самараси пастлигича қолмоқда, умумий эпидемиологик вазиятнинг кескинлиги сусаймаяпти. Бунга биринчи навбатда санитария-эпидемиология хизмати мавжуд қонун-қоидаларн се.. иларли таъсир кучига эга эмаслиги сабаб бўлмоқда. Масалан, юқорида тилга олинган жарималар миқдорига бир эътибор қилинг: қонунбузар раҳбар ходимга нисбатан район ва шаҳарлардаги вакилларимиз 10 сўм(!), вилоятда 20 сўм ва республика миқёсида атиги 30 сўм миқдорида жарима сола олишлари мумкин. Бундай чора жарима тўлаётган кишининг фақат кулгисини келтириши мумкин. Бундай «чора»нинг таъсири қанча муддатга етиш мумкин?

Бир мисол, мутахассисларимиз бу йилги об-ҳаво инжиқликларини ҳисобга олиб, ёзги мавсумда эпидемик вазият кескинлашуви мумкинлигини фараз қилишди. Демак, умумий овқатланиш шохобчаларида одамларнинг озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиши эҳтимоли кучли эди. Биз шуларни эътиборга олиб, биринчи апрелдан то кузгача бўлган вақт мобайнида ошхоналарда крем солинадиган тортлар, ҳар хил қандолат маҳсулотлари пишириб сотишни чеклаш тўғрисидаги таклиф билан чиқдик ва бу борада махсус қарор ҳам қабул қилинди. Ҳужжат тегишли ташкилот, корхона ва муассасалар мутасаддиларига етказилди. Лекин қатор овқатланиш шохобчаларида бундай маҳсулотлар чиқариш ўз вақтида тўхтатилмади. Натижада ҳозиргача Оҳангарон ва Янгийўл шаҳарларида умумий овқатланиш корхоналари пишириб сотган бундай қандолат махсулотларидан аҳолининг, айниқса ёш болалар ва гўдакларнинг оммавий тарзда заҳарланиши юз берди.

Вилоят ҳудудида бизнинг бўлимларимиз томонидан назоратга олинган 12400 дан зиёд ҳар хил халқ хўжалик объектларининг ярмидан кўпидаги санитария-гигиена аҳволи ниҳоятда ёмон. Аҳоли шу кунда истеъмол қилаётган ичимлик сувининг 20 фоизга яқини бактериологик жиҳатдан талабга жавоб бермайди. Шаҳарлардаги истиқомат жойларида санитария-гигиена ишларининг савияси паст. Буларнинг натижаси ўлароқ юқумли ошқозон-ичак, салмонеллез, ичтерлама, сариқ ва бошқа касалликларга чалиниш ҳоллари кўп.

Мана шунинг учун ҳам республика Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг кўриб чиқилиши айни муддаодир. Ниҳоят, бу соҳада фаол амал қиладиган, таъсирчан Қонун қабул қилинса, ажойиб иш бўлади. Шу пайтгача биз кундалик фаолиятимизда собиқ СССР Министрлар Советининг 1973 йилда тасдиқлаган Низомига таяниб келардик ва мазкур ҳужжат талабларининг қанчалик «ўткир»лигини юқорида таърифладик. Собиқ Иттифоқ барбод бўлгач, Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳозирча Россия Федерацияси ва Туркманистонда бу масалага доир қонунлар қабул қилинди. Ўзимизда депутатлар гуруҳи ва мутахассислар тайёрлаган Қонун лойиҳасининг қизғин муҳокамасида иштирок этдик. Энди сессияда депутатлар Ўзбекистон Республикасининг иқлими, об-ҳавоси, табиий ва жуғрофий шароитларини тўла-тўкис ҳисобга оладиган, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилишда ҳақиқий посбон бўладиган ҳужжатни қабул қилишларига ишонамиз.

Т. ИСКАНДАРОВ.
ёзиб олди.

ТАБИАТГА ЗАРАР КЕЛТИРМАНГ

Нўъмонхон АББОСХОНОВ,
Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг муовини, Халқаро муҳандислар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи

— Мен мавжуд мураккаб экологик аҳвол бундан баттар бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Ноибларимиз томонидан қабул қилинажак «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга экологик экспертизага оид бандлар ҳам киритилган. Мана шуларга улар алоҳида масъулият билан ёндошсалар яхши бўлар эди. Чунки келажакда қурилажак катта-кичик иншоотларнинг экологик зарарсизлигини таъминлашда мутахассисларнинг экспертиза хулосалари муҳим аҳамият касб этади. Ваҳоланки, ҳар қандай қурилишнинг экологияга алоқаси бор. Айтайлик, товуқлари тилла тухум туғиб берадиган товуқхона бўлса ҳам, агар унинг [illegible] табиий муҳитга зиён етказадиган бўлса, бизга бундай иншоотнинг кераги йўқ. Буни эса, ўша корхона қурилмасдан олдин аниқлаб олишимиз, лойиҳада табиатни муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқишимиз лозим.

Айрим кишилар «битта лойиҳани экологик экспертизасиз ҳам 80 чиғириқдан ўтказамиз, нима керак ортиқча қоғозбозликнинг», деб ўйлашлари мумкин. Агар уларнинг эътирозига эътибор берадиган бўлсак, Қўқондаги «Янги Қўқон» кимё заводидаги сингари аҳвол такрорланаверади. Қўқондаги бу иншоот 120 миллион сўмлик асосий фондларга эга. Халқ хўжалигига керакли бўлган ўғит ишлаб чиқара бошлаган корхона, қурилиши билан қанча-дан-қанча одамлар ишли бўлишди. Орадан кўп ўтмай, завод аҳоли ичадиган ер ости сувлари устига қурилганлиги учун ва яна кўплаб техник шарт-шароитлар ҳисобига олинмаганлиги эвазига аҳолига зарар келтира бошлади. Дунёдаги энг ширин сув деб ҳисобланган Қўқон суви заҳри-заққумга айланиш ҳавфи туғилди. Одамлар касаллана бошладилар. Ва ниҳоят, халқнинг қатъий норозилиги билан корхона ёпиб ташланди. Агар ўша иншоот лойиҳаси қурилишидан олдин экологик экспертиза қилинганда эди, шунча сарф-харажат, меҳнат беҳуда кетмас эди. Халқ соғлиғига путур етмасди.

Истаймизми-йўқми, иқтисодиётимизни оёққа турғазиб олиш учун халқ хўжалигини саноатлаштиришимиз керак. Келажакда ширкат, шахсий ва давлатнинг катта-кичик қурилишлари авж олиши тайин. Бас, шундай экан, табиатга зарар келтирадими, йўқми деган саволга ҳар қандай иншоот лойиҳасидаёқ жавоб бўлиши шарт.

Шунинг учун ҳам экологик экспертиза-ғоят нозик ва муҳим масала. Ечимлар, лойиҳаларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилишга йирик мутахассислар, олимлар, жамоатчилик вакиллари кенг жалб этилишининг боиси ҳам, қурилажак қонуннинг муҳимлиги ҳам шунда.

Мен қонуннинг яна бир бандига алоҳида урғу бериб ўтмоқчиман. Экологик экспертиза хулосасига эга бўлмаган объектларни банклар пул билан таъминламасинлар, деб қонунда қатъий белгилаб қўйилиши керак. Чунки ҳозир банклар кўпайиб кетмоқда. Янги қурилишга бири бўлмаса иккинчиси пул бераверилиши мумкин. Оқибатда эса шу кунгача топталган табиат яна оёқ ости бўлаверади. Бунинг охири фожиага олиб келиши мумкин...

Тоҳир ДОЛИ ўғли
ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессияси кун тартибига киритилган масалалар қаторида «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам бор. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Б. АЛЛАМУРОДОВ билан учрашди.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

— Бўри Алламуродович, мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашга қандай зарурат бор эди?

— Маълумки, касаба уюшмаларининг мақсадлари меҳнаткашларнинг касбга оид ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Касаба уюшмалари ушбу вазифаларни Қонунга таянибгина бажара олиши мумкин. Шу боис «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги мажмуага бўлган талаб тобора ошиб бормоқда эди. Бозор муносабатларига ўтишимиз туфайли қонун айниқса зарур бўлиб қолди. Чунки бундай шароитда иқтисодий алоқалар узилиши, ишлаб чиқариш инқирозга юз тутиши, ишсизлик кучайиши ва бошқа ҳодисалар оқибатида меҳнаткашлар ижтимоий ҳимояга янада кўпроқ муҳтож бўлиб қоладилар.

Табиийки, меҳнаткашлар ўзларининг касаба уюшмаларидаги ҳуқуқлари қонуний тасдиқланишидан манфаатдордир. Ҳолбуки бу ҳуқуқлар ҳозирги пайтда кўплаб қонун ва қонунчилик ҳужжатлари ичида сочилиб ётибди. Айнан мана шу ҳолатлар ҳам меҳнаткашларнинг умумий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари тўғрисидаги қонуннинг зарурлигини кун тартибига қўймоқда.

Илгари СССР қонунлари асосида иш олиб борган эдик. Энди эса ўзимизнинг шароитларга мослаштирилган қонунимизга эга бўлмоқчимиз.

— Аксарият касаба уюшмалари фаолларини улар қандай ҳуқуқларга эга бўлиши қизиқтиради, албатта. Янги қонун лойиҳасининг ана шу жиҳатларга боғлиқ бандларини тарифлаб берсангиз.

— Касаба уюшмаларига зарур кафолатлар берилиши уларнинг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқларини чинакамига ва самарали ҳимоя қилишларига имконият яратади.

Қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқи шунингдек, давлат ҳокимияти идораларининг касаба уюшмаларидан меҳнаткашларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан тушаётган таклифларни кўриб чиқиш бўйича ўз вақтида зарур чоралар кўришга оид вазифасини ҳам назарда тутади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари меҳнаткашларнинг меҳнат ҳамда ижтимоий ҳуқуқи ва манфаатларига тегишли бўлган бирорта норматив ҳужжатни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашини камида бир ҳафта олдин хабардор этмай туриб қабул қилмайди.

Касаба уюшмалари қонун лойиҳаларини таклиф этиш бўйича Конституцияда белгиланган ҳуқуқидан фойдаланиб, қисқа вақт ичида 80 дан ортиқ қонун лойиҳаларини, қарорларни ва бошқа ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиб, уларга 500 дан зиёд таклифлар ва мулоҳазалар билдиришди. Масалан, охирги мисол, мазкур қонун лойиҳаси ҳам дастлаб касаба уюшмалари томонидан тайёрланди.

Яна касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари масаласига қайтадиган бўлсак, касаба уюшмалари фуқароларнинг Конституциясида белгиланган меҳнат қилиш ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари ҳам энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Яъни меҳнат шартномаси тегишли касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишилмаган ҳолда маъмурият ташаббуси билан бекор қилинишига чек қўйилиши ходимларни қонунга хилоф равишда ишдан бўшатишларнинг олдини олади. Касаба уюшма қўмитасининг розилиги ушбу розилик ходимни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ чиқарилишидан олдин олинган бўлсагина ҳақиқий ҳисобланади.

Бундан ташқари, касаба уюшма қўмитасининг ишчи ёки хизматчини ишидан бўшатишга розилик бермаслиги узил-кесил қарор ҳисобланади ва маъмурият унинг устидан халқ судига шикоят қилишга ҳақли бўлмайди. На касаба уюшма ташкилотининг юқори идораси, на прокуратура идоралари касаба уюшма қўмитасининг бундай қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Касаба уюшмалари аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашадилар. Улар давлат ва хўжалик идоралари билан битимлар тузиш йўли билан, нарх-навонинг ошишига қараб, турмуш даражасининг асосий мезонларини, товонлар, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар тўлаш миқдорини белгилайдилар, турмуш даражасининг энг кам миқдорига риоя этилишини назорат қиладилар.

Касаба уюшмаларининг аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш режа ва дастурларини ишлаб чиқишда қатнашишлари меҳнат бозорида рўй бериши мумкин бўлган низоларни ниҳоят даражада юмшатишга кўмаклашади, меҳнаткашлар турмуш даражаси пасайишининг олдини олади.

Касаба уюшмаларига соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари таъминланишини, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиб бориш ҳуқуқларининг берилиши ҳам мазкур қонун лойиҳасида кўзда тутилган.

— Иш ташлашни уюштириш ҳуқуқи қонун лойиҳасида кўзда тутилганми?

— Ҳа, лойиҳада бу ҳақда ҳам алоҳида модда бор. Касаба уюшмалари иш ташлашга асосан қаршидир ва уни ўтказиш ҳуқуқларидан улар ўз олдиларига қўйилган вазифаларни ҳал қилишда охирги чора сифатида фойдаланишлари мумкин. Бироқ бу сиёсий тазйиқ ўтказиш воситаси сифатида фойдаланиш ҳуқуқини беради деган гап эмас.

Қонуннинг учинчи боби 6 та моддадан иборат бўлиб, касаба уюшмалари ҳуқуқларининг кафолатларини тартибга солади.

Бундан ташқари, маъмурият жиҳозланган хоналар, ўзининг бинолари ва ижарага олинган биноларни ҳамда ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оилалари ўртасида маданий-маърифий, соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт ишлари олиб борилишига мўлжалланган бошқа объектларни бепул фойдаланишга беришлари, касаба уюшмаларининг ўз низомларида белгиланган вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун зарурий шароитларни яратиши ва уларнинг фаолиятига барча чоралар билан кўмаклашиши лозимлиги ҳам қонун лойиҳасида акс эттирилган.

Суҳбатдош:
Абдуқодир НИЕЗОВ.

ОЛИЙ КЕНГАШ КОМИТЕТИДА

Республикамизда Ер тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши қанчалик мамнуният билан кутиб олинганлиги кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Шундан буён мана муайян вақт ўтди. Хўш, ушбу мажмуа талаблари жойларда қандай бажарилмоқда? Олий Кенгашнинг Агросаноат комплекси ва сув хўжалиги қўмитасининг кеча бўлиб ўтган мажлисида бу борадаги ишларнинг қандай кетаётганлиги Самарқанд вилояти мисолида кўриб чиқилди.

Тўғри, вилоятда ерни эъзозлаётган, унинг қадрига етиб мўл ҳосил ундираётган деҳқонлар, хўжалик ва меҳнат жамоалари кам эмас. Пахтачи ва Иштихон районларида пахтадан узлуксиз мўл ҳосил кўтариб келинмоқда. Картошка етиштиришда Оқдарё ва Самарқанд, узумчиликда эса Пастдарғом ва Тойлоқ туманларининг олдига тушиш қийин. Вилоятда томорқаларни кенгайтириш учун салкам 20 минг гектар ер ажратиб берилди. Тузилган 1138 деҳқон хўжалиги шартнома асосида ишлаб, ҳосилдорликни оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Аммо, афсуски ҳокимликлар ва маҳаллий кенгашларнинг эътиборсизлиги, мажмуа талаблари ижроси суст назорат қилинаётганлиги туфайли аксарият ёрдамчи хўжаликларда ҳосилдорлик пасайиб кетмоқда. Фуқароларга ажратиб берилган ер участкаларини расмийлаштиришда тартиб йўқ. Ер учун олинадиган тўловларни ундириш эса ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Самарқанд вилоят ҳокимияти ва халқ депутатлари кенгашлари бу йўналишдаги фаолиятни кучайтиришлари керак.

Комитет мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг янги таҳрирдаги нусхаси ҳам муҳокама қилинди.

Мажлисда шунингдек «Республикада хизмат кўрсатган қоракўлчи» фахрий унвонини таъсис этиш ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

С. МУҲИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИСТИҚЛОЛИМИЗ КАМОЛОТИГА ҚАРАТИЛГАН

* *Бизнинг фикримизча*

ҚОНУН ҚАТЪИЙЛИГИ БИЛАН КУЧЛИ

Бўлажак сессияни биз — ҳуқуқ-тартибот ходимлари ғоят сабрсизлик билан кутаяпмиз. Сабаби — кун тартибига киритилган қатор масалалар бевосита иш фаолиятимизга боғлиқ. Соҳамиз вакиллари деярли ҳар куни турли қонунларга мурожаат этишади. Хоҳ фуқаролик, хоҳ жиноий ишлар юзасидан бўлмасин аҳоли даставвал бизга мурожаат этади. Бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ: жойлардаги мувaққат вакилларимиз — участка инспекторлари ҳамиша халқ орасида.

Бугунги иқтисодий мураккабликлар жиноятчиликни кескин ошириб юборди. Шу боис «Ўзбекистон Республикаси жиноят-процесуал кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақидаги масаланинг сессия кун тартибига киритилиши айни муддао бўлди. Масала парламентда жиддий муҳокама этилишига ишонаман. Мен эса ўзимнинг баъзи фикр-мулоҳазаларимни ҳурматли ноибларимиз эътиборига ҳавола этмоқчиман.

Жиноятчиликка қарши курашни талаб даражасида ташкил этиш учун авваламбор милиционерларнинг шарт-шароитини, моддий таъминотини яхшилаш даркор. Ҳозир махфия, жиноятчи унсурлар ҳам обдон қуролланишган. Бу нарса ўз навбатида жиноятчилар билан курашишда ишимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Қонунбузарликни таг-туги билан йўқотиш учун чет эллардан энг замонавий техника, қурол-яроғ ва криминалистика воситаларини тезроқ сотиб олиш, ундан фойдаланишни йўлга қўймоқ зарур. Бусиз мақсадга эришиш қийин.

Бизни ташвишга солиб келаётган муаммолардан яна бири — мавжуд қонун-қоидаларимиз бугунги кун талабларига тўлиқ мувофиқ келмайди. Ҳамон жиноятчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинадию, жабрланганларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқлари етарли муҳофаза этилмайди. Ҳатто энг ваҳшиёна жиноятларга қўл урган, бир неча бор судланган кимсаларга ҳам инсонпарварлик кўрсатиб келаяпмиз. Ваҳоланки бундай муносабат ўзини оқламаган ва оқламайди ҳам. Шунинг учун ҳали мавжуд қонунларимиз қайта кўриб чиқилаётганида жазо чораларини кучайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур, деб ҳисоблайман.

Абдулла ОТАХЎЖАЕВ,
Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасининг бошлиғи.



● ДАЛАЛАРДА деҳқончилик ишлари қизғин кетаётган палла. Об-ҳаво қийинчиликларига қарамай кўзланган мақсад сари бўлаётган ҳаракатлар янада жонланган. Айниқса ерни ижарага олиб ишлаётганларнинг шижоати баланд.

Янгиқўрғон районининг «Гулшан» давлат хўжалигида ижара пудрати асосида ишлаётган Жўрамирза Муродов ҳам шулардан бири.

У дала иши, оила юмушидан ташқари депутатлик фаолиятига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Сайловчиларнинг ҳақли талаб ва истакларини бажариш учун доимо жон куйдирди.

СУРАТДА: Ўзбекистон халқ депутати Ж. Муродов сессия тараддудида.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

УМИДИМИЗ КАТТА

Менинг ўн нафар фарзандимдан еттитаси ўғил. Уларнинг бештаси икки йиллик ҳарбий хизматларини ўтаб йигитлик бурчларини бажаришди. Бир ўғлим соғлиги туфайли армияга боролмади, кенжамиз ҳозир Ҳарбий Денгиз Флотида уч йиллик муддатини тугатмоқда.

Мен бир ота сифатида шундан хурсанд бўламанки, республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг бошқа соҳалар сингари ҳарбийда хизмат борасида ҳам бирмунча яхши ишлар қилинди. Масалан, оиладаги кенжа ўғилни хизматга чақирмаслик, агар бир фарзанд шу паллада хизмат бурчини ўтаётган бўлса, иккинчисини чақирмай туриш ва ҳоказо.

Шу боисдан Олий Кенгашнинг навбатдаги сессиясида мудофаа, Қуролли Кучларга оид масалаларнинг кўриб чиқилишини барча ота-оналар интиқ бўлиб кутишмоқда. Унда қабул қилинадиган қонунлар фарзандларини армияга юборадиган оилаларнинг, қолаверса, ана шу хизматчиларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишига ишонамиз.

Солий ИСКАНДАРОВ,
меҳнат фахрийси,
Қорақалпоғистон Республикаси.

САЛОБАТЛИ, САЛМОҚЛИ БЎЛСА

Камина депутат сифатида кун тартибига киритиладиган ҳамма масалаларнинг муҳокамасида фаол иштирок этмоқчиман. Уларнинг деярли барчаси шу кунда ниҳоятда зарур бўлиб турган масалаларни қамраб олган. Бироқ ҳозир эл орасида энг кўп тилга олинаётган бир фикрни алоҳида таъкидламоқчиман: бу ўзимизнинг миллий пул бирлигимизга эга бўлишимизнинг ғоят зарурлиги. Дарҳақиқат, мустақил давлат бўлдикми, энди хоҳлаймизми йўқми, Ўзбекистоннинг ўз пул бирлиги бўлиши керак. Эрта-индин тайёрлаб, муомалага киритадиган пулимиз шояд жаҳондаги энг барқарор валюталар қаторида ўшалардек салобатга, салмоққа эга бўлиб қолса!

Хайрулла ПИРНАФАСОВ,
Бекобод районидаги «Тожикистон» давлат хўжалиги директори, Ўзбекистон халқ депутати.

ФУҚАРОЛИК ТАҚДИРДОШЛИКДИР

Сессия ишида кўпгина масалалар билан бир қаторда «Фуқаролик тўғрисида» қонун лойиҳасининг муҳокамага қўйилиши айни муддао бўлибди. Менинг фикри ожизимча, мазкур қонун астойдил муҳокама қилиниши керак. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир кишига республикамиз фуқаролигини бериш у қадар тўғри эмас, деб ҳисоблайман. Жумҳурият фуқаролигини қабул қилган киши у қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар шу юрт учун жон койитиши, шу элнинг дардини ўз дарди, қувончини эса ўз қувончи деб билиши тилимизни, динимизу урф-одатимизни ҳурмат қилиши керак. Оғир кунда «мен асли фалон ерликман, буни менга дахли йўқ» дегувчилар эса ҳар қадамда топилади. Қолаверса, ҳар куни «Тошкент — нон шаҳри» деб поездларга осилиб келаётган ўнлаб, юзлаб дайдиларни биз қандай қилиб юртимизнинг тақдирига боғлашимиз мумкин.

Бас, шундай экан, биз ишонч билдириб сайлаган депутатларимиз фаолроқ бўлишсин. Жумҳуриятимиз халқларнинг бугуни, эртаси ва келажаги сессияда кўриладиган масалалар ижросига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Тўхтаниёз ТОЖИЕВ.

САВОБ БЎЛАРДИ

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси сессияда муҳокамага қўйилгани айни муддаодир. Бу фуқароларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини бериш билан бирга, ўз жумҳуриятига ҳақиқий эгалик ҳиссини сингдиришда муҳим роль ўйнайди. Қонунда турли лавозимларга тайинлаш, сайлаш, Ўзбекистон фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқлари, давлат тилининг билиши аниқ-равшан ёзиб қўйилиши керак.

Қатағон йилларида Ўзбекистонни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган ватандошларимизнинг ҳам фуқаролик ҳуқуқлари тикланиши мақсадга мувофиқдир. Ён қўшнимиз туркманистонликлар бу савобли ишни аллақачон амалга оширдилар. Бизда ҳам ватандошларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари тан олиниши лозим.

Бердиёр ЖУМАЕВ,
Чироқчи район «Олға» газетаси муҳаррири.

Муаммолар баҳсларда ечилади

Парламент, сессия бу гал жуда шиддатли ишлайди. Масалалар кўп. Боз устига уларнинг ҳаммаси муҳим. Бу кундалик ҳаётимизга, кундалик ишимизга ёрдам бериши шубҳасиз.

Мана, «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини олайлик. Ҳужжат билан танишгач менда кўпгина мулоҳазалар туғилди.

Лойиҳанинг иккинчи бўлим 7-моддасининг 4-сўзбошидаги «Белгилаш» сўзидан кейин **«ва нархлар сиёсатидан келиб чиқиб бу миқдорларни индексация қилиш»** сўзлари қўшилиши керак. Шунингдек, 9-моддага ҳам қўшимча киритиш зарур. Биринчи сўзбоши охирида **«Хусусий шахслар ва қўшма корхоналар, шу жумладан чет эл корхоналари ва фуқароларининг улуш маблағлари ҳисобига қурилган йўллар бундан мустаснодир»**, деб қўшилиши лозим.

Учинчи бўлим, 19-модда хусусида ҳам фикрим бор. Охирги сўзбоши қилиб **«йўл минтақасидан четда, лекин йўллар ҳолатига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ишларни амалга оширишда йўл идоралари талабларининг бажарилиши шарт»**, деб қўшилса жуда тўғри бўлур эди.

Муҳаммаджон КАРИМОВ,
Намангандаги аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси директори, Ўзбекистон халқ депутати.

ХОРИЖ ПАРЛАМЕНТЛАРИ

Швейцария конфедерацияси

Швейцариянинг қонун чиқарувчи парламенти Федерал мажлис деб аталади. У 2 палатадан: Миллатлар кенгаши ва Кантонлар кенгашидан иборат. Парламентга ҳар тўрт йилда сайлов ўтказилади. Миллатлар кенгаши таркиби 200, кантонлар кенгаши эса 45 депутатдан ташкил топган. Федерал Кенгаш етти маслаҳатчидан (министрдан) иборат ижроия ҳокимиятни ҳам тўрт йил муддатга сайлайди. Давлат ва ҳукумат бошлиғи федерал маслаҳатчилардан бир йил муддатга навбат билан парламент томонидан сайланадиган конфедерация президентидир.

Парламентдаги депутатлик ўринлари учун Радикал-демократик, Демократик-христиан, Социал-демократик ва бошқа кўплаб партиялар кураш олиб боради.

Сайловлар пайтида барча сиёсий партияларга тенг имконият яратиш Швейцарияда аллақачон табиий таомилга айланган. Ўзаро кураш пайтида мухолиф томон номзодини ёки партияни ҳақорат қилиш, бирор-бир тарзда тайзиқ ўтказиш қонунда қатиян таъқиқланган ва бундай ҳоллар рўй бермаслиги олди олинган.

ЯПОНИЯ

Япония парламенти икки палатадан иборат. Вакиллар палатасига 511, Маслаҳатчилар палатасига 250 депутат сайланади. Вакиллар палатасининг ваколат муддати 4, маслаҳатчилар палатаси эса 6 йил қилиб белгиланган.

Сайловларда кураш олиб борадиган энг йирик партиялардан: Либерал-демократик партияси 1955 йилда тузилган. 1976 йилда парламент депутатларидан катта қисми ушбу партиядан ажралиб чиқиб янги либерал клубни тузишди. Булардан ташқари Япония Социалистик партияси, Социал-демократик союз, Демократик социализм партияси мамлакатдаги энг таъсирчан сиёсий кучлар ҳисобланади.

Японияда парламент сайловлари ҳамиша жуда қизғин тусда ўтади. Бу ерда рақибларнинг оммавий ахборот воситаларидаги ўзаро «жанг»ларидан тортиб, даҳанаки олишувларгача кузатиш мумкин. Ҳатто яқинда парламентда икки қарама-қарши гуруҳ ўртасида ростакам муштлашув бўлганлигининг ойнаи жаҳон орқали гувоҳи бўлдик.

Жалолиддин САФО тайёрлаган.

Истиқболнинг тақдири — таълимда

ЯНГИ ТИЗИМ ДАРКОР

Республикамиз Олий Кенгаши муҳокамасига қўйилаётган халқ таълими тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан менинг фикрларим қуйидагича:

Аввало қонуннинг умумий тузилиши ҳақида. Маълумки, ҳар қандай қонун давлат сиёсатини тартибга солиб туриши учун ўзининг амалга ошириш кафолатлари, шароитлари, асосларидан иборат бўлиши керак. Шулардан келиб чиққан ҳолда, қонуннинг умумий мундарижаси тубандагича бўлиши керак эди: умумий қоидалар, қонуннинг ташкилий асослари, ҳуқуқий асослари, иқтисодий асослари ва якуний қоидалар.

Таълим тўғрисидаги қонунда умумий қоидалар ҳақида алоҳида модда киритмасдан, балки бу қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси умумий қоидаларига асосланади, деб таъкидлаш керак.

Бозор иқтисоди муносабатлари шароитида хусусий шахслар томонидан ҳам таълимни ташкил қилиш имконияти пайдо бўлди. Хусусий таълим беришни ташкил қилишда у ҳақдаги Низомда кўрсатилган ҳолатлар бузилса ва таълим бериш Республика Конституциясига зид келган тақдирда ўқув жараёни давлат томонидан тўхтатилади, деб қўйилиши ёки таълим ҳақидаги қонун моддалари бузилса, шахсларга берилган рухсат бекор қилинади, деб таъкидланиши шарт.

Давлат Олий ўқув юртларини битириб чиқувчилар иш билан албатта таъминланиши ҳам ҳуқуқий асосланиши керак.

Ўқувчилар билимларини баҳолашнинг бутунлай янги системасини қабул қилиш ва бу ҳолат қонунда кўрсатилиши зарур.

Таълимнинг уч босқичли (мактабгача тарбия, 8 йиллик мактаб ва профессионал таълим) миллий системаси қонунда белгиланиши керак.

Таълим соҳасидаги сиёсат, ўқув планлари ва дастурларини ишлаб чиқиш учун ҳамда унинг ижросини назорат қилиш учун Миллий кенгаш тузилиши мақсадга мувофиқ. Унинг таркибига таълим билан шуғулланувчи вазирликларнинг вакиллари, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, йирик ўқув юртларининг раҳбарлари ва бошқа мутахассислар кириши керак.

Халқ таълими вазирлигининг асосий стратегик вазифалари қонунда ўз аксини топиши зарур.

Таълимнинг сифатига жавобгарлик ва бурч ота-оналар зиммасига нималарни юклатиши ҳам қонунда акс этмоғи даркор.

С. ЖЎРАЕВ,
Тошкент Давлат дорилфунуни социология кафедрасининг ўқитувчиси

Дастур панд бермасин

Ва ниҳоят халқ таълими тўғрисидаги қонун Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида кўриладиган бўлди. Бу қонуннинг қабул қилиниши депутатларимиз тарафидан бир ажойиб мевали дарахт кўчатини ўтқазгандек бўлади. Яъни бу дарахт ўн йиллардан кейин ўз мевасини бера бошлайди. Шу қонунни дастур қилиб олган мураббийларимиз билим, тарбия берадиган ёшлар эртага жамиятнинг навқирон кучига айланади. Халқ ноибларимиз бу қонунни ғоят катта масъулият билан муҳокама қиладилар, деб умид қиламан.

Менимча, бу қонун муаллим ва тарбиячининг ижтимоий муҳофазалаш билан бирга уларнинг илмий савиясини бойитиб боришига таъсир этишини ҳам эътиборга олиш керак. Тўққиз йиллик ўқув дастурига ўтиш ҳақида турли фикрлар айтилаяпти. Мен ёшларимизнинг мактабда дастлабки ўқишларини тўққиз йил бўлиши тарафдориман. Лекин, зудлик билан турли касблардаги ҳунар-техника билим юртларини кўпайтиришга ҳам диққатни қаратмоқ лозим.

Агар иложи бўлса еттинчи синфдан бошлаб ёшларимизнинг ўз қизиқиш ва салоҳиятига қараб, унинг келажаги учун асқотадиган фанлар кўпроқ ўқитилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳамма ерда ҳам ихсисослашган мактабларни очишнинг иложи йўқ-ку, ахир! Қонунда ижтимоий ва амалий фанларга оид ўқитиш тизимлари яққол ифодалаб берилиши лозим деб ҳисоблайман.

«Таълим тўғрисида»ги қонун шундай бўлиши керакки, бунга асосланиб иш кўрган ўқитувчининг таълим берган ўқувчилари дунёнинг қайси бурчагига борса ҳам илмда билимдонлигини намойиш қила олсин.

Гулмира РУЗИМЕТОВА,
ўқитувчи.

ЕТИЛГАН МУАММОЛАР ЕЧИЛСА...

1. Умумий таълим мактабида болаларга бериладиган билим ҳажмини ҳаёт талаби даражасига мослаштириш керак. Шундан мажбурий таълимнинг аниқ чегараси келиб чиқади. Жуда кўп ҳисоб-китоблар, бир қанча жиҳатларни ҳисобга олганда, мажбурий таълим лойиҳада белгилангандек 9 йиллик эмас, балки 8 йиллик ҳажмда бўлиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Мажбурий таълимдан кейин ўқувчиларнинг қобилияти, қизиқиши ва ҳаёт талаби доимо диққат марказимизда бўлиши шарт асосида мослаштирилган, табақалаштирилган таълим бўлиши керак.

2. Ҳозир болалар мактабларда берилаётган билим ҳажмининг атиги 20 фоизини қабул қилаяпти, холос, қолгани ўқувчининг физиологик ривожланишига салбий таъсир этмоқда. Шу боис умумтаълимда ўргатилиши шарт бўлган фанлар ёки ҳар бир синфга дарс миқдори қонун билан чегараланиб қўйилиши зарур.

3. Ҳамкасбларим мени тўғри тушунадилар, деб ўйлайман. Ҳозирги ўқитувчининг нафақахўрдан фарқи қолмади, чунки у фақат социал ҳимоя қилинмоқда. Мактаб коллективига, маъмуриятга шундай эркинлик қонунлаштирилиши керакки, у 3—5 йилда ўтказиладиган аттестацияга қараб турмасдан ҳар ўқув йилида ўқитувчининг қилган ишига қараб пул белгиласин.

Усмон ДАДАЖОНОВ,
Наманган вилояти Косонсой шаҳридаги 6-мактаб директори.

КИМДИР ҚИШЛОҚНИ ҲАМ ЎЙЛАШИ КЕРАК

Мирзақишлоқлик Жумабойни нафақат ўзи яшаб турган «Москва» давлат хўжалигида, балки вилоятнинг кўплаб туманларида яхши билишади. Сабаби — аввало хизмат вазифаси юзасидан ҳамиша халқ орасида. У бошқараётган вилоят қишлоқ хўжалик ускуналари билан таъминлаш идорасига қарашли Гулистон кўчма механизациялашган колоннаси тасарруфига тумандаги бешта хўжаликда чорвачилик фермаларини таъмирлаш ишлари юкланган. Идораси «Москва» давлат хўжалиги марказида жойлашган. Уйи ҳам шу ерда. Ўзи эса ҳамиша одамлар орасида. Шу боисдан ҳам вилоят кенгаши ноиблигига номзод кўрсатилаётганда қишлоқ аҳли «Ўзимизнинг Жумабойни сайлаймиз», деб туриб олишганди.

Асли Мирзақишлоқ бундай сайловни биринчи кўриши. Бир эмас, роса бешта номзод халққа хизмат қиламан, деб бел боғлаб чиқди. Бир-икки учрашувдан кейин иккитаси «ўйиндан чиқди». Кўп ўтмай яна бири курашга дош беролмади. Охиригача икки азамат беллашолди, холос. Ва — омад Жумабой Норжигитовга кулиб боқди...

— Жумабой ака, асли қаерлик бўласиз? — у киши билан дастлаб учрашганимизда берган биринчи саволим шу бўлди.

— Шу ерликман, Шу қишлоқлик.

— Вилоят кенгашида сизни фаол депутатларимиздан бири, деб айтишди. Халқ эътиборини қозониш, айниқса, бугунги оғир шароитда улар ишончини оқлаш осон кечмаётган бўлса керак.

— Албатта. Лекин чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Сайловолди учрашувларида берган ваъдаларимнинг деярли барчасини амалга оширдим. 2-бўлимда 140 ўринли болалар боқчаси ишга туширилди. Қишлоқ врачлик амбулаторияси фаолият кўрсатаяпти. Шифохона, магазин қурилиши режага киритилди. Салкам беш ярим чақиримлик қабристон йўлига тош тўкилди. Насиб этса шу йил асфальт ётқизмоқчимиз.

Учинчи бригадада яшовчилар бошланғич мактаб қуриб беришни илтимос қилишганди. Совхоз раҳбарлари билан келишиб иккита шийпон ўрнига кичикроқ мактаб биносини қурдик. Муаммолар ҳам йўқ эмас. Сув, газ масалалари оғир. Аслида бунинг ҳам иложини топардик. Фақат маблағ масаласи қийинлашиб кетди. Бир қулоч қувурнинг баҳоси фалон пул бўлса...

— Жумабой ака, сиз — қурувчисиз. Депутат бўлмасангиз ҳам шу ишларни бажариш қўлингиздан келади. Бошқа касбдаги халқ ноибларида эса бундай имконият йўқ.

— Тўғри. Лекин депутатлик — фақат наказ бажаришдан иборат эмасда. Аслида, менинг вазифам ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу масалаларининг режага киритилишига ёрдамлашишдан иборат. Кейинги ишларни бажаришга хўжалик раҳбарлари ҳамда қишлоқ кенгаши бош қўшади. Депутатга халқ вакили сифатида бундай ишларни бажариш унчалик қийин эмас. Лекин шунга қарамай ҳозирги шароитда қишлоқдошларимга айни қурилиш бўйича ёрдамлашиш осон кечмаяпти. Уларнинг менга овоз беришлари сабаби ҳам шунда. Бўлмаса илгариги сайловларда не-не машҳур одамларни сайлашмаган эди дейсиз. Бироқ, очиғи, улардан сира наф кўришмаган. Мени эса истаган пайт ёқамдан олишлари мумкин.

Жумабой ака билан Гулистон шаҳрининг шундай биқинига жойлашган Мирзақишлоқни айланиб чиқдик. У киши раҳбарлик қилаётган корхона ҳам шу ерда жойлашган. Икки қаватли идоранинг биринчи қаватида поликлиника, жамғарма кассасининг бўлинмаси ишлаб турибди.

— Улардан фақат корхона жамоаси фойдаланадими? — сўрайман қизиқиб.

— Йўқ, нега энди. Бутун қишлоққа хизмат кўрсатади. Депутатликдан фойдаланиб қолдик, холос. Қолаверса, кимдир қишлоққа ҳам жон куйдириши керак-да, — дейди кулиб Жумабой ака.

Темур АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КУЛГУ — МИНГ ДАРДГА ДАВО

НОИБЛИК ҲАМ ОСОН ЭМАС...



«ДЕПУТАТ-ДЕПУТАТ» ЎЙИНИ

СОБИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯЛАРИГА ПАРОДИЯ

НАВБАТДАН ташқари оилавий сессияни очиш оила бошлиғи депутат Семёнов Анатолий гарданига тушди:

— Ушбу сессияда оиламиздаги ўн икки фарзанд, келинлар, қайин-сингиллар, невара-чеваралар иштирок этяпти. Булардан ташқари, таклиф этилган қуда-анда, қариндош-уруғлар ҳам ҳозир бўлишган. Залда пулли ва пулсиз депутатлар ҳам ўтиришибди.

Залдан овоз:

— Пулли депутат деганингиз қанақаси бўлди?

Жавоб:

— Ёнидан пул сарфлаб сайланганлар. Ҳозир ошкоралик, ҳамма нарсани ўз номи билан айтамиз-да.

— Ахир биз қариндош-уруғлар, барчамиз бир-биримиз учун овоз берганмиз-ку?! Наҳотки улар ҳам пул олишган?

— Бас! Бўёғи сир тутилмоғи лозим.

Сессия кун тартибига еттита масала киритилган. Булар халқнинг маданий-маиший, иқтисодий даражасини юксалтиришга қаратилгандир. Жумладан: туғилажак чақалоққа исм қўйиш, кенжа ўғилни уйлантириш, баъзи молларнинг нархини оширишш, ногиронларнинг ҳаводан нафас олганликлари эвазига тўланадиган ҳақни бекор қилиш... Асосий масала, бу — тушликка қандай таом пиширишдир.

Раислик қилувчи кўзойнагини тўғрилаб, стакандаги сувдан хўплади.

— Кун тартиби ҳақида кимда қандай таклиф бор?

Залдан овозлар:

— Маъқуллайман. Тушликка котлетхон тўра бўлсин.

— Бемаъни гап. Менга сўз беринг.

— Тўртинчи микрофон, марҳамат!

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида тушликка котлет тайёрлаш ахмоқликдир. Бундай фикр келажакни кўролмайдиган, фақат оилавий бюджетнинг душмани, бизни гадойликка бошловчи, иқтисоддан мутлақо хабарсиз депутатдан чиқади.

— Ўзингизнинг аниқ таклифингиз борми?

— Бор! Сутли ош!

— Яна қандай таклифлар бор?

— Шавла, фақат гўштсиз.

— Шўрва.

— Лағмон.

— Бўтқа.

Раис:

— Овозга қўяман. Қани, тушликка бўтқа тайёрлансин, деганлар мандатларини кўтаришсин.

— Қаршилар...

— Бетарафлар... Тартибга риоя қилинсин, қайтадан овозга қўяман...

Хўроз чақирди. Тонг отди. Сессия давом этади.

— Навбат билан, ўртоқлар. Учинчи микрофон, марҳамат! Регламентга риоя қилинг...

— Ҳозиргача ўн уч киши сўзга чиқди. Ҳалигача аниқ бир фикрга келингани йўқ. Бир соатга танаффус эълон қилинади. Кечикманглар.

Кеч кирди. Тонг отди...

Онани тўлғоқ тутди.

Раис:

— Муҳокамага қўяман, чақалоқ туғилсин, деганлар қўл кўтарсин. Чақалоқнинг ўғил ё қиз бўлиши ҳақида аниқ бир фикрга келишимиз шарт. Кимда қандай таклиф бор?

Биринчи микрофон:

— Ўғил бўлсин!

— Иккинчи микрофон:

— Қаршиман! Туғилган ўғил болаларнинг олтмиш фоизи безори, нашаванд, ўғри, хотинбоз бўлиб кетяпти. Қиз бўлсин!

— Қаршиман.

— Бешинчи микрофон.

— Қизлар ҳам жа фаришта эмас. Яқинда биттаси...

— Яхшиси, бу масалани эртага қолдирсак. Онамиздан эртагача кўз ёрмай туришларини депутатлар номидан илтимос қиламиз.

Кеч кирди. Тонг отди... Менга сўз беринг.

— Гапиринг, келинпошшо.

— Менинг таклифим шундай: онажонимиз туғруқхонадан эсон-омон енгиллаб чиқсалар, қанақа таом пишириб берсалар-да, сессияга қўйиб, муҳокама қилиб ўтирмай, жон-жон деб еяберамиз. Вот, всё!

Тонг отиб, кеч кирди...

Сессияда элликдан ортиқ киши сўзга чиқди. Охири... она кўз ёрди. Аммо асосий масала — тушликка қандай таом пишириш ҳал қилинмади.

Раис:

— Энди сессия чақириш, «депутат-депутат» ўйнаш йўқ. Кетдим.

— Дада, қаёққа!

— Ишга!

Тўхташ АШУРОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР ҲОКИМ БЎЛИШДИ

Юқоридан режалаштириладиган, хўжакўрсинга иш юритиладиган замонлар ўтди. Эндиликда ишбилармонлик, изланувчанлик, ташаббускорликнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Бунга қодир бўлмаган раҳбар кўпга бориши қийин. Шу боисдан янги тайинланадиган ҳокимнинг билиму қобилиятига, фаолиятига катта эътибор берилаяпти.

Яқинда бўлиб ўтган Нукус шаҳар кенгашининг сессиясида ҳам бу тўғрида фикр юритилди. Узоқ ўйланиб «Эркин Қорақалпоғистон» рўзномасининг муҳаррири бўлиб ишлаётган Шароф Уснатдиновни Нукус шаҳар ҳокими этиб тайинлашга қарор қилингани билдирилди. Бу депутатларга ҳам маъқул тушди. Улар якдиллик билан ушбу номзодни тасдиқладилар. Шу тарзда таниқли журналист Ш. Уснатдинов шаҳар ҳокими бўлди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Телевидение ва радио эшиттириш давлат қўмитаси раиси бўлиб ишлаётган Уимамбет Хўжаназаровга ҳам шундай ишонч билдирилди. У Нукус райони ҳокимлигига тайинланди.

М. ҚОБИЛОВА.

ТАКЛИФ

«ОҚ САРОЙ» ДЕБ АТАЛСА

Амриқонинг «Оқ уй»ини дунёда билмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Кремль инқирозидан кейин Ўрис ҳукумати ҳам ҳеч иккиланмай ўз қароргоҳларини «Оқ уй» деб атай бошлади. Рус демократларидан бири ўз даврида: «Руслар нечоғлик тақлид қилишмасин, Оврупадан эллик йил кейин юради...» деган эди. Унинг қай даражада ҳақлигини тарихнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Муҳим воқеа ва жойларнинг ўз номлари билан аталиши табиийлик ва ўзгача маъно касб этади: Афрасиёб, Мовароуннаҳр, Олтин Ўрда, Турон замин... Шу маънода, жонли тилда «ЦЭКА» деб ўрганиб қолган ҳукумат қароргоҳининг «Президент саройи» деб аталаётганига назаримда тил унчалик кўникмаётир. Чунки, дунёда нима кўп, президент ва унинг саройи кўп.

Биз қарийб беш минг йиллик бой тарих давомида ўнлаб султонликлар, империялар барпо этган улкан халқнинг вакиллари сифатида ўз ўтмишимиздан улгу олишга ҳақли миллатмиз. Шунга кўра, агар кўпчиликка мақбул келса, Ўзбекистоннинг бугунги ҳукумат биносини, Амир Темур руҳи қўлласин деган ниятда «Оқ сарой» деб аташларини таклиф қилардим.

Ҳ. АСҚАР.

КИТОБ — ДУРДОНА

«ТУРКИСТОН БОСҚИНИ»

Таниқли адабиётшунос ва таржимон Мажид Ҳасанийнинг «Нур» нашриёти (Т. 1992 й.)да чоп этилган янги рисоласи шундай номланган.

Бу мўъжаз китобчада XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкасининг Россия империяси томонидан қандай босиб олинганлиги ҳужжатлар асосида ёритиб берилган.

Биз 140 йилдан кўпроқ вақт давомида «Туркистон Россияга ихтиёрий равишда қўшилган» деган ёлғон гапни айтиб ва ёзиб келдик. Аслида эса Мажид Ҳасаний «Туркистон босқини» ва «Тарих ошкоралик нигоҳида» (1992) номли рисолаларида ёзганидек, Туркистон Россия томонидан забт этилиб, мустамлака ўлкасига айлантирилган эди. Гарчи инқилобдан аввалги рус тарихчи олимларидан А. Терентьев, А. Логофет, К. Абаза, А. Макшеев, В. Наливкин, В. Вебер, Ф. Костенколар: «Россия Туркистонни босиб олган» деб ёзган бўлсалар-да, совет даврининг замонасоз тарихчилари эса «Ўрта Осиё Россияга ихтиёрий қўшилган» деб тарғиб қилиб келдилар. Муаллиф Россиянинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини фош этар экан, босқинчилар зулмига қарши Ўрта Осиё ва Қозоғистонда халқ қўзғолонлари бўлиб ўтганлигини алоҳида таъкидлайди.

Бу рисола Россия империясининг Туркистонга қилган ҳарбий юриши тўғрисидаги дастлабки йирик тадқиқотдир. Ундан китобхон тарихнинг ҳали кўпчилик билмайдиган қоронғи томонларини ҳам илғаб олиши мумкин.

Мазкур рисола афсуски жуда оз нусхада чоп этилган.

М. САПАРОВ.

СОВҒА

● МЕҲНАТ фахрийси, II гуруҳ ногирони Ашурали Отахонов оиласи янги, ҳашаматли уйга кўчиб ўтди.

Андижонда зилзила юз берганда Избоскан районидаги Н. Тиллабоев номли жамоа хўжалигидаги А. Отахонов хонадони ҳам зарар кўрганди. Наманган вилояти ҳокими бошлиқ комиссия бу оилага ёрдам кўрсатди. 20 нафар қурувчи вақт билан ҳисоблашмай ишлаб, иморатни тез битириб берди.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«БОР»ДА ЙЎҚНИНГ ҲАҚИ БОР

ЯҚИНДА Термиздаги «Паттакесар» кичик корхонаси тадбиркор - ишбилармонлари шаҳардаги «Радост» болалар боғчасига нақд йигирма минг сўм пул ва жами қирқ бир минг сўмлик уч дона холодильникни... текинга беришди.

Ҳозир бундай ғамхўрликлардан боши осмонга етган боғча мудираси Муҳаббат Тожиддинова Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан... «Радост»ни ҳеч бўлмаганда «ҚУВОНЧ»га айлантириш ташвиши билан юрибти, деган гаплар бор.

ЧИҚИТДАН -ҚАНДДОН

ТЎРАҚЎРҒОНдаги тракторларни таъмирлаш заводи жамоаси кийим чўткалар, полиэтилен қопчалар, гулдон, қанддон, қозон-товоқ, дурадгорлик асбоб-ускуналари сингари янги рўзғор буюмларини ишлаб чиқаришга киришди. Энг муҳими бу моллар авваллари ташлаб юбориладиган иккиламчи хом ашёдан тайёрланмоқда.

ҚАЧОНГАЧА ОЛЧИ ТУРАВЕРАДИ?

ҲАЛИ шундай кун келади. Биз барибир Американи қувиб ўтамиз. Ҳозирча америкача ҳаётни орзу қилиб яшайверайлик. Шундай деймиз-у, орамизда америкача яшашни бошлаб юборганлар ҳам бор экан. Навоий шаҳридаги «Шодлик» дўконининг директори Олег Григорьевич Данилин шундай бахтли инсонлардан бўлиб чиқди.

Жаноб Данилин янги йил арафасида ўзи раҳбарлик қилаётган дўкондан Болгариянинг 5670 сўмлик «Пловдив», Белорусияда ишлаб чиқарилган 2532 сўмлик «Россинка» юмшоқ мебелларини ҳамда 1512 сўмлик «ОКА 6М» совутгичи ва 1324 сўмлик «Минск-126» музлатгичини уйга олиб кетаётганида қўлга тушганди. Биласиз, ҳозир бу буюмларнинг нархи осмонда. Бунинг устига директор иккала мебелнинг пулини тўламаган экан. Милиция ходимлари унинг уйини тинтув қилишганида 200 Америка долларини топиб олишди.

Маълумингизким, ҳозирги шароит кимга тўй, кимга аза тарзида ўтмоқда. Аммо данилинларнинг оширғи қачонгача олчи тураверади?

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

•ЭЪЛОНЛАР•

.КОМПОЗИТ.

илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси
композицияли ашёлардан тайёрланган қуйидаги буюмларни пул ўтказиш йули билан сотади.

ванналар;
лола-раковиналар;
ошхона ювиш воситалари;
"МАЗ" ва "КамАЗ" автомашиналари учун юмшоқ комплектлар;
"ВАЗ"-2170, "М-2141" автомашинлари учун бамперлар;
2 метрдан 6 метргача бўлган турли шакллардаги болалар чўмилиш ҳавзалари;
7 та номдаги болалар ўйин шаҳарчаси.

Энг замонавий технологиялардан фойдаланилган композицияли ашёлардан тайёрланган буюмлар ўзининг мустаҳкамлиги, енгиллиги, қулайлиги билан ажралиб туради ва турли рангларда товланди.

"Композит" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Шакли ва ҳажмидан қатъий назар композицияли ашёлардан тайёрланган ҳар қандай буюмларга буюртмалар қабул қилади.

"Композит" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз маҳсулотларини энг маъқул нархларда таклиф этади.

Манзилгоҳимиз: 700161, Тошкент шаҳри, жанубий-шарқий саноат зонаси, Гавҳар кўчаси, 151-уй.
Телефонлар: 96-53-47, 96-52-94.
Факс 63-50-63.

КЎМАКЛАШАМИЗ

Қисқа муддат ичида исталган тип ва сортдаги пахтангизни сотиб берамиз ҳамда харид қилишда кўмаклашамиз. Республикадан ташқарига чиқариш учун рухсат олишга ёрдам берамиз.

БИЗНИНГ ТЕЛЕФОН: 39-11-10.
ТЕЛЕФАКС 33-72-58. «ДЭЛОС».
Код 3712.

СТУЛЛАР СОТАДИ

Қишқи ва ёзги спорт турлари бўйича Олимпия резервлари группаларини тайёрлаш РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ БИРЛАШМАСИ нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан юмшоқ, ярим юмшоқ ва қаттиқ стулларни сотади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 46-04-21, 46-04-25.

ДИҚҚАТ!

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг қарори билан Яккасарой райони Қўшбеги, Бошлиқ ва Ўрта Осиё темир йўлининг 2-Вагон депоси ҳудудида ер ажратилиб, шу жамоалар томонидан жомеъ-масжиди қурилиши бошлаб юборилди.

Шу қурилишга савоб тариқасида ўзининг ҳиссасини қўшишни истаган мўминлар ва ташкилотлар қуйидаги ҳисоб бўйича маблағ ўтказишлари мумкин:

ҲИСОБ РАҚАМИМИЗ: 000644904, МФО 172682306, Ҳамза район ПСБ, Тошкент шаҳри.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти жамоаси «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасининг катта ўқитувчиси

Сиддиқа АЪЗАМОВАнинг

фожеали вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ
•
НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.